

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2021-10
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2021

реципиента, ориентации на его понимание и адекватной интерпретации текста невозможно обеспечить эффективность двуязычного общения, преодолеть лингвостнический барьер, каждый из факторов которого имеет свой вес. как антикоммуникативный фактор, препятствующий общению между носителями языков FL и PL в отсутствие лингвистического посредника. Соответственно, нереализованная нейтрализация того или иного из этих факторов по-разному (отрицательно) сказывается на двуязычном общении с переводом, на его качестве.

В одноязычном общении отправитель воплощает коммуникативное намерение в тексте таким образом, чтобы он объективировал те естественные моменты, которые, согласно его намерению, должны обеспечивать адекватность понимания смысла в процессе восприятия текста. При двуязычном опосредованном общении прямая связь между отправителем и текстом и получателем нарушается, сам текст должен подвергаться коммуникативно-прагматической адаптации, основанной на отношении к получателю на иностранном языке. Реализация адекватного прагматического воздействия перевода во многом зависит от выбора переводчиком языковых средств при создании текста перевода. Лингвокультурный перевод в процессе перевода осуществляется с различной степенью адаптации¹. Он может быть слабым, сильным или вообще отсутствовать (чистый лингвистический перевод). В связи с этим перед переводчиком встает вопрос: как поступить с элементами культуры при передаче контента: сохранить соглашения ИТ или заменить их соглашениями ИЛ? Выбор переводчика определяется заранее выбранной стратегией и зависит от места культурной и этнической информации в системе ценностей, представленной в исходном тексте.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Avtamonov Ya.I. Plant symbolism in Great Russian songs // Journal of the Ministry of Public Education. - SPb., 1902. - Ch. 344. - November - December. - S. 79–103.
2. Alekseeva I.S. Professional training of a translator. - SPb.: In-t foreign. language, 2000 .
3. Alpatov VM Preliminary results of linguistics of the XX century. // Linguistics at the end of the XX century: results and prospects: Abstracts. int. conf. - M., 1995. - T. 1. - S. 15–87.
4. Antipov G.A., Donskikh O.A., Markovina I.Yu., Sorokin Yu.A. Text as a cultural phenomenon. - Novosibirsk, 1989 .-- 178 p.

УЎК 808.5

А. ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИДА ОБРАЗЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

У.С. Очилов, ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада А.Қодирийнинг “Bygone days” романида кўрсатилган образларларда жасият ва манфаатнинг салбий таъсири ҳақида сўз юритилади. Натурализм адабий оқими ўзбек тилида мукаммал ўрганилмаган. Мақоламизда натурализмга реализмнинг турларидан бири сифатида эмас, алоҳида оқим сифатида ўргандик. Асадаги образлар иродасизлиги ва ташқи таъсир натижасида маънан синиши, уларнинг натуралистик образлигидан дарак беради.

Калит сўзлар: натурализм, танқидий реализм, адабий оқим, ижодий метод, ўзбек адабиёти.

Аннотация. В статье рассматривается негативное влияние общества и интересы героев романа А. Кадирий «Минувшие дни». Литературное течение натурализма на узбекском языке до конца не изучено. В нашей статье мы изучали натурализм не как вид реализма, а как отдельное направление. Негативность образов в произведении и их духовный распад в результате внешних воздействий указывают на натуралистичность образов.

Ключевые слова: натурализм, критический реализм, литературное течение, творческий метод, узбекская литература.

Abstract. The article deals with the negative impact of society and the interests of the characters in the novel "Bygone days" by A. Qodiriy. The literary current of naturalism has not been thoroughly studied in Uzbek. In our article, we have studied naturalism not as a type of realism, but as a separate

trend. The reluctance of the images in the work and their spiritual breakdown as a result of external influences indicate their naturalistic imagery.

Keywords: naturalism, critical realism, literary movement, creative method, Uzbek literature.

Абдулла Абдулла Қодирийнинг 1925-1926 йилларда китоб ҳолида нашр этилган “Ўткан кунлар” романида тасвирланган воқеалар, ёзувчининг ўзи эътироф этганидек, 1847 йилдан бошланиб, 1852 йилда ниҳоясига етади. Бу асар ўзбек адабиёти тарихида яратилган биринчи роман бўлиб, унда тарихий воқеалар, ўша даврдаги оила, никоҳ, урф-адатлар, ота-она ризолигига бўлган муносабатлар нодир маҳорат билан тасвирланган. Асадаги бош қаҳрамонлар табиатидаги натуралистик хусусиятлар улар ҳаётининг фожиавий тугашига сабаб бўлади.

Абдулла Қодирий асарларида ҳам ҳаётий ҳамда табиат манзарала-рини маҳорат билан тасвирлаш ҳолатлари кўп учрайди. Аммо табиат манзараларини икир-чикирлари билан тасвирлашни реализмнинг барча кўринишларида учратиш мумкин. Натурализмнинг (ёки натуралистик реализмнинг) асосий хусусиятларидан бири ундаги асосий қаҳрамонлар-нинг табиат ёки атроф мұхитнинг олдида чорасизлигини тасвирлашдир. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романларини тадқиқ қилиш жараёнида “Мехробдан чаён” романни танқидий реализм, “Ўткан кунлар” эса натурализмга алоқадор деган фикрга келдик. Фикри-мизни далиллаш учун ушбу романлардаги асосий қаҳрамонлар образла-рига мурожаат этамиз. Бу романларнинг асосий қаҳрамонлари кўпгина жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаса-да, жамият таъсирига берилишда, курашчанликда улар орасида катта фарқ бор. Жумладан, “Ўткан кунлар”–нинг Отабеки ҳам, “Мехробдан чаён”нинг Анвари ҳам ўз замонасининг пешқадам, зиёли ёшларидан. Гарчи Отабек азалдан бой оиланинг фарзанди, Анвар эса камбағал оилада туғилиб, кейинчалик юқори мавқега эришган бўлса-да, иккиси ҳам атрофдагилар хурматини жойига қўювчи одобли, диёнатли, камтарин, ҳам ботиний, ҳам зоҳирий жиҳатдан дилкаш, мард йигитлар.

Кумуш билан Раъно - ҳаёли, иболи, ўқимишли, ота-она ва қариндош- уруғларни ардокловчи, гўзал, паричехра қизлар. Аммо Отабек ва Анвар, Кумуш ва Раъно табиатида бир асосий фарқ бор. Бу фарқ Отабек ва Кумушнинг ҳаёт оқимига қараб боришида бўлса, Анвар ва Раъононинг шу оқимга қарама-қарши сузишида, курашчанлигидадир. Худди шу фарқ Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини натурализм (ёки натуралистик реализм) оқимига, “Мехробдан чаён” романини эса танқидий реализм оқимига алоқадор деб ҳисоблашга асос бўла олади. Ўзбек адабиётшунослигига натурализм адабий оқимининг деярли ўрганилма-ганлигини инобатга олиб, бу фикримизни аникроқ ва мисоллар воситасида ифода этишга ҳаракат қиласиз. “Ўткан кунлар” романидаги Кумуш ва Зайнабни ҳам натуралистик образлар сирасига киритса бўлади. Кумуш ҳам Отабек сингари ота-онаси чизигидан чиқмайдиган, миллий урф-одатларга риоя қиладиган андишали инсон. Отабекни севса ҳам, унинг иккинчи марта ўйланишини истамаса ҳам, мажбур бўлгани туфайли бунга рози бўлади. Кузларида ёш, қалбida алам билан кундошли бўлишга кўнади, ҳатто Отабекка далда беришга интилади. Отабек ундан таъна-дашномлар кутган, ҳатто ота-она орзусига қарши бормоқчи бўлган бир пайтда, розилигини айтиб уни ҳайратда қолдиради. Ёзувчи бу эпизодни шунчалик ишонарли ва таъсирчан тасвирлаганки, Отабекнинг ҳайрати беихтиёр китобхонга ҳам ўтади:

“Отабек гарангсиб қолган, ўзини овутмоқчи бўлган бу олийжсаноб гўзалга нима дейини билмас, қаердан сўз бошлишқа ҳайрон эди:

- Ким йиглатди сизни?
- Йиглабманми?
- Кўзингиз, кипригингиз...
- Ўзи шунаقا...
- Йиглатган мен эмасми?
- Китобни нега ёпдингиз? Очиб ўқунг, мен эшиштай.
- Ота-она ризолигини бир томчи кўз ёшингизга арзитдимми?

—Мен рози, мен кўндингиз... нега, а?

—Отабек ҳайрат ва таажжуб ичидан эди.

—Негаки, — деди Кумуш, — мен сизга ишонаман...

—Шунинг учун...

—Шунинг учун кўндингиз... нега, а?

Юқорида келтирилган парча биринчи ўқишида ва кейинги ўқишиларда турлича ҳиссиётларни уйғотади. Ушбу парча биринчи ўқишида китобхонда, ҳали у бу розиликнинг натижаси фожиа билан тугашини билмаганлиги туфайли, Кумушнинг фидокорлигидан, мулойимлигидан ҳайрат ва эҳтиром туйғусини уйғотса, кейинги ўқишиларда бу туйғуларга яна афсусланиш ва надомат ҳиссиётлари кўшилади. Қани энди Кумуш бирозгина дадилроқ бўлганида ва кундошли бўлишга розилик билдирмаганида унинг ҳаёти фожиа билан якун топмаган бўлар эди, деган хаёлларга берилади. Кумушнинг мана шу ҳаддан ташқари кўникувчанлиги, алtruистлиги, ҳаёт оқимини ўз йўлига қўйиб берганлини уни табиатнинг ва атроф муҳитнинг бир ночор заррасига айлантирадики, бу ҳам унинг характеридаги натурализм хусусиятларидан дарак беради. Раъно ва Анварда эса натуралистик хусусиятлар мавжуд эмас, Улар иродасизлик қилмай ўз мақсадлари йўлида охиригача курашадилар.

Абдулла Қодирийнинг асарларини ўрганар эканмиз, факатгина “Ўткан кунлар” асаридагина натуралистик хусусиятлар намоён бўлишини кузатдик. Адибнинг катта ҳажмдаги асарларидан “Мехробдан чаён” романи танқидий реализм оқимига мансуб бўлса, “Обид кетмон” қиссасида социалистик реализмга тааллуқли жиҳатлар мавжуд. Бу ёзувчининг реализм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлганлагидан, реализмнинг турли кўринишларида муваффақиятли ижод қилганидан дарак беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Карим, Б. А. Қодирий ва герменевтик тафаккур : илмий монография / – Тошкент : Akademnashr, 2014.
2. Каримов, Н. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2016. – № 3. – Б. 3–10.
3. Климович, Л. Первый узбекский романист. Абдулла Кадыри и его роман «Скорпион из алтаря» // Наследство и современность. Очерки о национальных литературах. – Изд. 2-е, доп. – Москва, 1975. – С. 131–141.
4. Лутфиддинова, Х. Кумушбиби – эстетик идеал намунаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1999. – № 4. – Б. 42–45.
5. Мирвалиев С. «Абдулла Қодирий». «Фан» нашриёти. – Т.: 1992.
6. Норматов, У. «Ўтган кунлар» романи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. – № 2. – Б. 49–57.
7. Улуғов, А. Замон ва макон мусаввири : [Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги образлар ҳақида] // Sharq yulduzi. 2015, № 2. – Б. 189–194.

УЎК 808.5

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИДА НАТУРАЛИСТИК ОБРАЗЛАР

У.С. Очилов, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги натуралистик образлар ҳақида сўз юритилади. Маълумки, натурализм адабий оқими ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Бу мақолада натурализмга реализмнинг бир тури сифатида ёндашилиб, натуралистик оқимга мансуб асарларда воқеалар ҳаққоний тарзда акс эттирилиши, аммо инсон иродасиз, ожиз жонзор сифатида тасвирланиши ҳамда унинг тақдиди аксар ҳолларда фожиавий тугаши кўзда тутилади.

Калит сўзлар: натурализм, танқидий реализм, адабий оқим, ижодий метод, ўзбек адабиёти.

Аннотация. В статье рассматриваются натуралистические образы в романе Абдуллы Кадири «Минувшие дни». Известно, что существуют разные взгляды на литературное течение натурализма в мировой литературе. В данной статье натурализм рассматривается

Ражабов Х.Ч. Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар тарихида тутган ўрни	357
Садуллаева В. Амир Абдулаҳадхон даврида маориф	362
Сейтимбетова Н.М. Межнациональные отношения – как неотъемлемая часть международных отношений	366
Тураев А.С. АҚШда неоконсерватизм мафкурасининг шаклланиши ва ғоявий ривожланиш босқичлари	370
Ходжанов М.И. Арвоҳларга атаб чироқ ёқиш одати	372
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Erdanova S.A. Conceptual research of the concept of "money" in linguoculturology	376
Eshbo'tayeva Sh. O'zbek tili musiqiy terminlarida metafora	378
Fattoyeva Z.R. Kadastrga oid qisqartma so'zlarning ingliz va o'zbek tillarida ifodalanishi	382
Fozilova N. The types of tasks and their usage in class	385
Ismoilov I. Alisher Navoiyning "Saddi Iskandariy" dostonida fol motivi va uning ildizlari	387
Jakbarov M.P. Peculiarities of translation of scientific and technical texts	390
Khakimova M.Kh. 3D learning environment as an important innovative technology for English language classrooms	393
Maxmudov R. Ogahiy tarixiy asarlaridagi "Avesto"ga oid ayrim o'zlashmalarning geniologik tahlili	396
Maxmudov R. Ogahiy tarixiy asarlaridagi yevropa tillaridan o'zlashgan ayrim so'zlarning genezisi	402
Namazova U.S. Dialogue-experience is the source of teaching	405
Rasulova M.A. Innovative approach in the teaching english language	407
Sherg'oziyeva G.A. Mo'minjon Toshqin – jadid adabiyotining so'nggi vakili	409
Shokirova D.A., Shokirov Sh.I. Analysis of the semantic features of words with the concept of "property"	412
Xajiyeva D.A. Erkin Vohidovning "Donishqishloq latifalari" turkum she'rlarida latifalardan foydalanish mahorati	416
Xudoiberdiyeva G.Sh. Zamonaviy ingliz bolalar adabiyoti yozuvchilari va ularning asarlarini o'ziga xosligi	420
Абдуллоев Ш.Б. Ахура Маздага қарши курашда даэва култининг моҳияти	422
Жумаева Ш.Ш. Ибораларни иккинчи тилга эквивалентлар ёрдамида таржима қилиш	425
Қозоқбоева Д. Ўзбек тилида "қулоқ" семантикасига эга бўлган гапларнинг прагматик хусусиятлари	428
Манионова С.А. Тижорий ёзишмаларнинг коммуникатив- прагматик аспекти	431
Мухаммедова Н. Тони Моррисоннинг "Сулаймон қўшифи" романида мифлар моҳияти	434
Мухаммедова Х. Энн Бронте ижодида биографик манбалар	437
Омонов Б. Геологияга оид терминларнинг лингвистик хусусиятлари	440
Орипова Г.М. Жанр тушунчаси генезиси ва моҳияти	443
Остонова С.Н. Национальные традиции основа перевода в культурных подборках	446
Очилов У.С. А. Қодирийнинг "Ўткан қунлар" асарида образларнинг ўзига хос хусусиятлари	448
Очилов У.С. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан қунлар" асарида натуралистик образлар	450
Очилова О., Машарибова Р. Бир башорат ҳайратлари	453
Сабирова Н.Э. Хоразм достончилик мактаблари	456
Ташева Н.З. Тамбурлен Великий как психотип восточного правителя в поэзии Кристофера Марлоу	460
Худайқурова Л.А. "Алномиш" достонида никоҳ тўйи маросимларининг бадий талқини	464
Юлдашев Д.Т. Антропонимларда саналаштириш тамойили ва тилак отларининг ўзига хосликлари	467
ТИББИЁТ ФАНЛАРИ	
Янгибаев З., Батиров Д.Ю., Пирматов Ш.Ш., Янгибаев О.З. Холелитиазларда холедохоскопиянинг аҳамияти	470